

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят и жтимоий-сиёсий газетаси

ЎЗА.

ТАДБИР

СОҒЛОМ ОИЛА –
ЮРТ КЕЛАЖАГИ

Зангиота туманида Ўзбекистон Республикаси ҳамда вилоят ва туман хотин-қизлар кўмиталари ҳамкорлигида, "Соғлом оила – юрт келажаги" пайдевори мавзусида давра суҳбати ўтказилди.



"Соғлом оилани шакллантиришда репродуктив саломатлиқнинг аҳамияти", "Ешларга оиланинг ҳуқуқий асосларини ўргатиш ва уларни оила қуришга тайёрлаш" ҳамда "Исломда репродуктив саломатлиқни муҳофаза қилиш масалаларига ёндошув" мавзуларидаги маърузалар тингланди. Унда жа-

мият тараққиётида муҳим ўрин тутувчи соғлом оила, унинг барқарорлигини таъминловчи омиллар, фарзанд тарбияси ва парваришида ота-она, эр ва хотин масъулияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўқув-таълим муассасаларида ташкил этилган "Орас-

та қизлар" тўғраги фаолияти ва аҳамияти ҳақида сўз борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

Саида РАҲМОНОВА,
Даврон АХМАД
олган суратлар.

ЭРТАГА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ҚЎЛИ ЕНГИЛ
ШИФОКОР

Зангиота тумани Хонобод қишлоғидаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида касбига меҳр қўйган, бурчи касодаловчи тиббиёт ходимлари кўп. Марказнинг даволаш ишлари бўйича бошлиқ ўринбосари, олий тоифали жаррох Низом Абдуллаев эса, беморларни дарддан осонроқ, оғриқсиз халос этиш йўлида тинимиз излан-ди. Бир йилда 700 дан ортиқ жаррохлик операцияларини ўтказишнинг ўзи бўлмайди.

– Аввало, мен шифокор сифатида ўз бурчимни бажараётганимдан мамнунман, – дейди у. – Бунинг учун устозларим, олий тоифали жаррох Холмуса Қорабоев, тиббиёт фанлари доктори,

профессор Альберт Аталиевдан миннатдорман. Касб сирларини эринмай ўргатиш ҳам бир фазилат. Энди устозларим ўғитини шогирдларимга ўқдиришга ҳаракат қиламан. Жамшид Бобоназаров, Қобилжон Тожибоев, Валишер Абдуллаев, Абдулазиз Қорабоев ҳам халқ саломатлиги йўлида астойдил тер тўкаётган кишини қувонтиради. Уларнинг ютуқлари бежиз эмас. Мамлакатимизда тиббиёт соҳасига берилаётган катта эътибор, ҳатто, чет элларда ҳам эътироф этилмоқда.

Инсонпарварлик тамойиллари устувор мамлакатимизда бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ўзбекистон Тиббиёт академиясига нафақат юртдошларимиз, балки қўшни мамлакатлардан келган беморлар ҳам мурожаат этади. Замоновий тиббий усулу ва жиҳозлар билан таъминланган, юқори малакали шифокорлар хизмат кўрсатадиган шифохона, клиникалар одамлар саломатлиги давлатимиз томонидан кафолатланганлигини билдиради.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР
БАРДАВОМ

Тошкент Педиатрия институти клиникасида юрак тугма нуқсонли билан туғилган болаларни операция қилиш хайрия тадбири давом этапти.

Жорий йил 14 февралда мамлакатимизнинг Жанубий Кореядаги вазирлик-хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғаримасида Кореянинг "Save the Children Korea" хайрия ташкилоти президенти Ким Но Бо бу ташкилотнинг пойтахтимиздаги минтақавий филиали раҳбари Хонг Же Ок билан учрашув ўтказилди. Учрашув давомида юртимизнинг чека-чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш лойиҳаси амалга оширилди.

Ҳамкорлик битими натижаси ўлароқ, Кореянинг "Save the Children Korea" хайрия ташкилоти кўмағида Тошкент Педиатрия институтининг клиникасига операция хоналарини жиҳозлаш мақсадида қиймати 100 минг АКШ долларига тенг тиббиёт анжумлари, асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар етказиб берилди. Шунингдек, юрак тугма нуқсонли болаларни

операция қилишда ишлатиладиган 200 та оксигенатор ва уларнинг зарурий воситаларини мамлакатимиздаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, ҳам таъминланган оилаларга хайрия ёрдам сифатида етказиб берилди.

Яқинда мамлакатимизга Сеул Миллий университети госпиталидан 2 нафар малакали болалар юрак кардиолог-жарроҳи ва административ-бошқарув бўлими шифокорларидан иборат навбатдаги ташриф бўлиб ўтди. Мазкур шифокорлар жамғариманинг Тиббий-ижтимоий марказида 60 нафардан зиёд тугма юрак нуқсонли болаларни операция қилишда ишлатиладиган 200 та оксигенатор ва уларнинг зарурий воситаларини мамлакатимиздаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, ҳам таъминланган оилаларга хайрия ёрдам сифатида етказиб берилди.

Азима ҚИЁСОВА,
"Туркистон-пресс".

ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини яратишга алоҳида эътибор берилганлиги қиш фаслида бозорларимиздаги нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, пировардида халқимиз фаворонлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Айни пайтда бу борада юртимизнинг барча ҳудудларида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ОМБОР ТЎЛА –
КЎНГИЛ ТЎҚ

Бўстонлик туманидаги "Чирчиқ гўшт-сут савдо" масъулияти чекланган жамиятида ўн турдаги мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлаб кўйилди. Жумладан, 150 тонна картошка, 160 тонна пилёз, 100 тонна гурч, 360 тонна мева, 100 тонна дуккакли дон, салкам 10 миллион сўмлик консерва маҳсулотлари тегишли тартибда жиҳозланган омборларга сақлаш учун жойлаштирилди.

Корхонанинг илиқ ва совутилмаган омборхоналари, совутиш ва музлатиш камералари ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб берувчи технология асосида тайёрланган сендвич-панелларидан қурилган маҳсулотларни янги ҳосил пишиб этилгунча бемалол сақлаш имконини беради. Сендвич-панелларда иссиқ ўтказувчанлик хусусияти кам бўлиб, улар белгиланган санитария-гигиена талабларига тўла жавоб беради.

Камералар изоляцияни таъминлайдиган махсус эшиклар, зарур техника, электр ва дизель автожўлағичлар, гидравлик аралашар, омбор тарозилари ҳамда бошқа анжумлар билан тўлиқ таъминланган.

Совутиш камералари маҳсулотлар учун илмий асосда белгиланган намлик ва ҳароратни таъминлайди, – дейди "Чирчиқ гўшт-сут савдо" корхонаси раҳбари Нурулло Каримов. – Музлатиш камераларида тухум, гўшт ва сут маҳсулотларини узоқ вақт сақлаш мумкин. Олдий омборда эса алоҳида ҳароратни талаб қилмайдиган маҳсулотлар – дуккакли дон, макорон, чой, шакар, қандолат ва бошқа маҳсулотлар сақланади. Ҳамланган маҳсулотлар сифати ва омборлардаги ҳарорат мунтазам равишда компрессор цехи орқали назорат қилинади.

Айни пайтда йил давомида олис қишлоқлар аҳолисига озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотларни етказиб бериш учун Бўстонлик, Чирчиқ, Қибрай туманларидаги таълим муассасалари, дам олиш масканлари, дўкон ва замонавий андозаларга мос минималга туширилган шартнома асосида ҳар ойда ўртача қарийб тўқсон турдаги сифатли озиқ-овқат ва но-оziқ-овқат маҳсулотлари нисбатан арзон нархларда марказлаштирилган усулда етказиб берилмоқда.

Қўрилаётган бундай тайёргарлик ишлари натижасида ҳудуд аҳолиси қиш мавсумида ҳам сархил мева-сабзавот, полиз ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини мақбул нархларда харид қилиш имконига эга бўлмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири.

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРДА

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш ва амалда таъминлаш таъриб, жамиятни демократлаштириш мумкин эмас. Республикада амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлардан кўзланган мақсад – жамият ҳаётини эркинлаштириш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик

жамияти барпо этиш, ижтимоий ҳаётнинг демократик асосларини мустақимлаш учун ҳуқуқий замин тайёрлаш иборат. Бу жараёнда нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кучайтириш эса, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
ВА ИЖТИМОЙ
ШЕРИКЛИК

Шунингдек, Концепцияда инсоннинг шахсий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хуосан, мамлакатимиз Президентини тақлифи билан қабул қилиниши қўллаб-қувватлаган бир қатор қонун лойиҳалари ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалаларига бағишланган. Жумладан, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун ҳам шу мақсадга қаратилган.

Ижтимоий шериклик – ҳуқуқий жиҳатдан тенг икки субъектнинг ўзаро ҳамкорлигини, тарихдан маълум бўлган давлат ва шахс ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўлганда, давлат муваффақиятлари ривожланиши мумкин. Бунинг ҳисобга олмай, тўб демократик ўзгаришлар учун зарур тартибни ўрнатиб бўлмайди. Бошқача айтганда, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий давлат ва аҳолининг фаол қисми ҳамкорлик асосида яқин бўлиб, ягона йўналишда

ҳаракат қилиши керак. Бу давлат юртимизнинг сиёсатда фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари инобатга олиншини таъминлайди.

Ҳозир кўпгина ривожланган мамлакатлар таърибаси шундан далolat бермоқдаки, айнан нодавлат нотижорат ташкилотлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўз фаолиятининг асосий йўналиши сифатида белгиланган. Жамиятнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Масалан, "Ижтимоий фикр" маркази илмий-тадқиқот муассасаси маконидаги мустақил нодавлат ташкилотидир. У мамлакатдаги демократик ислохотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини, давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатларини таъминлаш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини ўрганиш учун таъсис этилган.

Маълумки, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва натижаларни ошқор қилиб бориш ҳамда давлат ва жамият фаолиятида қўллаш жамиятнинг изчил демократлаштириш

жараёнининг самарали таъминидан биридир. Бу фаолият маънавий бой, сиёсий фаол шахс билан фуқаролик жамиятининг ўзаро ҳамкорлигини янада қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Юртимизда фуқаролик ҳуқуқлари ҳимоясига Халқаро Қизил ярим ой жамияти, кўзи оқизлар, қарлар, ногиронлар жамиятлари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Эко-сан" халқаро жамоатчилик фонди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон судьялар уюшмаси, Ўзбекистон адвокатлар ҳамда савдо-саноат палаталари, "Меҳр" аёллар ноҳукумат ташкилотлари бирлашмаси, "Олима" аёллар уюшмаси, "Қамолат" ёшлар ижтимоий ҳаракати каби нодавлат ташкилотлар катта ҳисса қўшмоқда. Шу боис, давлат идоралари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлида амалга оширилаётган ишлар салмоғини оширишда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Шу тарика давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлиги фуқароларнинг ижтимоий фаолиятини ошириш билан бирга давлат ва жамият қурилишининг муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, нодавлат нотижорат ташкилотлар тизимини кенгайтириш, улар фаолиятида янги қирраларнинг очилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими мустақамлашганлигини далилат беради.

Бахтиёр ҒУЛОМОВ,
"Ижтимоий фикр"
жамоатчилик
маркази ходими.

ИҚТИСОДИЁТ

ШАРОИТ ЕТАРЛИ,
ИМКОНИЯТ МЎЛ

Тўққиз ой ичида Зангиота туманида ўнта, Чирчиқ шаҳрида саккизта, Охангарон ҳамда Қибрай туманларида еттидана хорижий инвестицияли корхоналар иш бошлади. Ангрен ва Олмалик шаҳарлари, Бўстонлик, Юқори Чирчиқ, Паркент, Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ туманларида ҳам бундай корхоналар кўпайиб бормоқда.

Янги ташкил этилган хорижий инвестицияли корхоналарнинг ўндан ортиғида техникаларни ўрнатиш-созлаш жараёнида қисқа фурсатда тугалланган, сифатли, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Чунончи, Янгийўлдаги "Глобал Комско Дев" хусусий корхонаси қозғ, Ангрен шаҳридаги "Аққар Текстиль" хусусий корхонаси тикувчилик, Чирчиқ шаҳридаги "Орзу-Текс" масъулияти чекланган жамияти трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқараяпти. Охангарондаги "Ар-Басир Паранда" эса, гўшт ва тухум етиштирмоқда.

Қўлай инвестиция муҳити, замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун турли хом ашёларнинг мавжудлиги, арзон ва салоҳиятли ишчи кучи, ривожланган инфратузилма сингари етакчи омиллар шу тарика туманларда ҳам хорижий инвестицияли корхоналар кўпайиб, вилоят инвестицион салоҳиятини барқарор юксалиб боришига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда вилоятда Буюк Британия, Туркия, Россия, Корея, АКШ, Германия, Хитой, Швейцария ва бошқа мамлакатларнинг сармоядорлари билан ҳамкорликда ташкил этилган бундай корхоналар сармалари ишлаб турибди. Улар орасида Янгийўл туманидаги "Глобал Комско Дев", Чирчиқ шаҳридаги "Максам-Чирчиқ", Бўстонлик туманидаги "Осборн Текстиль", Зангиота туманидаги "Сингапур-Самарқанд", Қибрай туманидаги "Хай Тек Кабел", Охангарон туманидаги "Корай Текстиль", Юқори Чирчиқ туманидаги "Текстайл Текнолоджиес Групп" сингари барқарор ишлаб чиқариш салоҳиятига эга йирик корхоналар бор. Уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори сифати ва бошқа хусусиятлари билан жаҳон бозорига тобора кенг қилиб бораётди.

Бугунги кунда вилоятимиз тадбиркорлари ва ишбилармонлари жаҳоннинг 90 га яқин мамлакатидagi ҳамкорлар билан савдо-сотиқ алоқаларини барқарор олиб бораётди. Уларнинг "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғали маҳсулотлари Туркия, Хитой, Эрон, Буюк Британия, Германия, АКШ, Польша, Япония, Россия ва бошқа мамлакатларга пайдар-пай жўнатиб турилибди. Вилоятимиздаги 133 та

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳудудий корхона товар ва хизматлар экспорти билан шуғулланмоқда. Бир йилда бундай корхоналар 23 тага кўпайди. Айни пайтда экспорт таркибиде бир қатор ижобий ўзгаришлар юз берди. Энг муҳими, тайёр маҳсулотлар улуши ортиб бормоқда. Вилоятда ишлаб чиқарилаётган машина ва асбоб-ускуналар, трансформаторлар, озиқ-овқат, кимё, хўл ва қури-тилган мева-сабзавот, тайёр тикувчилик маҳсулотлари экспортга кўплаб жўнатишмоқда. Транспорт-экспедиторлик, туризм, логистика, банк ва бошқа хизматлар кўлами кенгайиб бораётди.

Ўтган тўққиз ойда ҳудудий экспортёр корхоналар хорижий шерикларга ўзаро шартномалар асосида 466 миллион доллардан зиёд қийматда маҳсулотлар етказиб бериб, турли хизматлар кўрсатганлиги бунинг аққол далилидир. Бу борадаги ўсиш суръати ўтган йилнинг шу муддатидагидан 2,1 марта ортиди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва уларнинг экспорти билан барқарор шуғулланаётган корхоналар кўпайишмоқда. Охангарондаги "Аква Фина Лайт", "Улкан Бунёдкор Охангарон", "Охангарон Агро Экспорт", "Капитал Экспорт Агро", Оққўрғондаги "Бахтиёр Бехруз Агро", Зангиота туманидаги "Зангиота мева-сабзавот Импеко", Паркент туманидаги "Бест Агро", Юқори Чирчиқ туманидаги "Шуҳрат Агро" масъулияти чекланган жамиятлари шулар жумласидандир.

Кўриниб турибдики, хорижий инвестицияларни жалб қилиш шаҳар ва туманларимизда иқтисодиётини ривожлантириш, вилоятимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун катта имкониятлар яратмоқда. Лекин эришилган натижа-лар чегара эмас. Юртимиз "Жаҳон молиявий-иқтисодий инкизири, Ўзбекистон шариоатида уни бар-тараф этишининг йўллари ва чоралари" асаридеда ёзганидек, "Биз ҳозирда-ноқ тараққиётимизнинг ин-кизиридан кейинги даври ҳақида чуқур ўйлашимиз, бу борада узоқ муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш ҳақида бош қотиришимиз керак". Токи, унда иқтисодиётимизнинг барча соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгиллаш, замонавий ишлаб чиқариш-ларни барпо этиш мақсад-ларига хорижий сармоя-ларни жалб қилиш кўла-мларини янада кенгайти-ришнинг устувор йўна-лишлари белгиланган олин-син. Бу истиқболли режа ва мақсадларни муваффа-қиятга амалга ошириш-нинг ҳал қилувчи шарти-дир.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

СИНОВДАН ЎТАЁТГАН МАҲОРАТ

Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорини амалга ошириш доирасида Зангиота тумани Келес темир йўл станциясида "Қучли таъсир этувчи заҳарли моддаларни темир йўл орқали ташиб ўтишда содир бўлиши мумкин бўлган фалокатларни бартараф этиш" чора-тадбирлари бағишланган кўргазмали махсус тактик ўқув машқи ўтказилди.

Унинг асосий мақсади юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда бошқарув идоралари, куч ва воситаларнинг ҳамкорлигини таъминлашни шиқштиришдан иборат. Машқ давомида "Ўзбекистон темир йўллари"



ДАК ва "Максам-Чирчиқ" акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқилган, кимёвий иншоотлар кутқарувчилари учун мўлжалланган мослама синовдан ўтказилди. Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси буюртмаси асосида тайёрланган ушбу мослама кимёвий моддалар сақланадиган цистерналарда содир бўлган фалокатларни бартараф этишда жуда қўлай ва

ишончлидир. Эндиликда ҳо-рижда ишлаб чиқилган қу-каби мосламага эҳтиёж қо-лмайди. У республиканимиз бошқа ҳудудларидаги кимё-вий иншоотлар кутқарувчи-лари учун ҳам жорий этили-ши мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг "Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳама-да техноген хусусиятли фав-қулодда вазиятлардан муҳо-фаза қилиш тўғрисида"ги



ҳамда "Қутқарув хизмати ва кутқарувчи мақоми тўғриси-да"ги қонунлари, республи-ка Президенти фармон ва қарорларида аҳоли хавфсиз-лигини таъминлашнинг ҳу-қуқий қарорларига асос-ланган. Машқ давомида яш-лар асосида аҳоли ва ҳудудлар-ни юзага қилиши мумкин бўлган фавқулодда вазия-тлардан муҳофаза этишга, куч ва воситаларнинг ҳамкор-лиқдаги ҳаракатини синов-

дан ўтказишга асосий эъти-бор қаратилди, фуқаро му-ҳофазаси бошқарув идора-лари ва қучлари кўникмалар-ни мустақамлашди.

Ўқув машқларига соҳа йўналиши бўйича фуқаро муҳофазаси бошқарув идо-ралари, куч ва воситалар ҳамда фавқулодда вазиятлар ҳудудий бошқармалари бо-шлиқларининг ўринбосарлари жалб этилди.

Латиф ЖОБИРОВ.

Тошкентдаги Банклар ассоциациясида хусусий капитал банк-молия хизматларига оид "Молия банк соҳасига хусусий капитални жалб қилиш чоралари: қонунчилик ва амалиёт" мавзусидаги тадбир бўлиб ўтди.

МОЛИЯ БАНК
СОҲАСИНИНГ
ТАКОМИЛИ

Анжуманда истиқлол йилларида хусусий банклар ва молиявий ташкилотларни ташкил этиш, хусусий секторнинг молиявий базасини мустақамлашга берилган эътибор ва бу йўлда амалга оширилган ишлар муҳокама этилди. Иштирокчилар жаҳон ва мамлакатимиз ама-лиётини ҳисобга олган ҳол-да, хусусий капитал ва мо-лия банк соҳасига кенг жалб этиш, хусусий мўлка асо-сланган банклар, лизинг, су-гурта компаниялари, микро молиявий ташкилотлар ре-сурс базасини мустақамлаш юзасидан ўзаро тажриба алмашилар.

"Туркистон-пресс".



Юнусобод тумани ТСРҲИ
монидан 30.11.2010 йилда
004399 гувоҳнома рақами бил
руйхатга олинган (И
301745281) "ABDULBOSIT BARA
BIZNES" масъулияти чекланг
жамиятига тегишли бўлган б
дона думалоқ муҳр ҳамда бур
штампи йўқолганлиги сабабли
БЕКОР КИЛИНАДИ.

XXI ва XXII аср дунё

ЗИЛЗИЛА ҚУРБОНЛАРИ ЕТТИ КИШИДАН ОШДИ

Associated Press маҳаллий ҳукумат вакиллари сўзига таяниб, Туркия шарқида юз берган зилзила қурбонлари етти кишига етганини ҳақида хабар тарқатди.

Қутқарувчилар қулаган бинолар харобаларини тозалашни давом эттирмоқдалар. Аниқлик кириптирилган маълумотларда келтирилишча, Ван шаҳри ҳамда бошқа аҳоли истикомат жойларида 25 та бино қулаб тушди. 23 киши вайроналар остидаги тирик қутқариб олинди.

Зилзила Ван вилояти ҳудудида юз берди. Муҳассислар ер силкинишининг кучи 5,7 магнитудага тенг бўлганини таъкидлашмоқда.

Илгари, 23 октябрь кунини айнан шу вилоятда 7,2 магнитуда куч билан



зилзила рўй берганди. Ушанда 600 юзга яқин киши ҳалок бўлиб, бир неча ўн минглаб киши бошпанасидан айрилган эди.

СОБИҚ ПРЕЗИДЕНТ АРИЗАСИ РАД ЭТИЛДИ

Исроил Олий суди мамлакатнинг собиқ президенти Моше Кацава устидан 7 йил турмада ўтириш ҳақида суд илгари чиқарган ҳукмини тасдиқлади.

"Гаарец" газетасининг хабар беришича, Олий суднинг уч нафар судьяси собиқ давлат раҳбарининг шикоят аризасини бир овоздан рад этди ва уни қайтадан зўрлаш ва аёлларга шилқимлик қилишда айблади. Биринчи ҳукмида 2010 йил декабрда чиқарилган эди. 2010 йил март ойида Кацава 7 йиллик қамок жазосига ҳукми қилинганди. Тергов ишлари эса 2007 йилда бошланган эди.

Собиқ президент Исроил саёхатлар вазири лавозимини эгаллаб турган пайтда ўз қўли остида ишлайдиган аёлни зўрлаган. Президент бўлган эса, қароргоҳидаги икки аёлга ҳам шу мақсадда шилқимлик қилган.

Жиноий иш қўзғатилганидан сўнг Кацава юқори лавозимидан айрилди ва айбини қисман тан олди. Бироқ, кейинчалик унга қўйлаётган айбларни рад этиб, судда ўзини оқлашга уринди.

ФУТБОЛ

КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ АНИҚЛАНДИ

Қаршининг "Насаф" жамоаси футбол бўйича Ўзбекистон XX миллий чемпионати олий лигасида иккинчи ўринни қўлга киритди

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида футболни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида миллий чемпионатимиз сифат ва савия жиҳатдан тобора юксалмоқда. Жорий йилги XX миллий чемпионатнинг олий лигасида кумуш ва бронза медал соҳиблари чемпионат сўнггида аниқлангани ҳам бунинг далилидир.

Бу масалага "Насаф" ва "Пахтакор"нинг 23-тур доирасида муадлати кечиктирилган баҳсида ойдинлик киритилди. Кумуш медални қўлга киритиш учун "ОФК кубоги – 2011" мусобақаси ёлиби – қаршилиқ футболчиларга дуранг натижа ҳам етарли бўлса, чемпионат давомида "Насаф"дан икки очко кам жамғарган "Пахтакор"га фақат галаба зарур эди. Шу боис ўйин



кескин ва қизгин курашларга бой бўлди.

Ўйиннинг 6-дақиқасида пойтахтлик футболчилар жарима тўпини голга айлантирди. Бироқ, кумуш медал учун охириги дақиқаларга қадар курашган, кучли жамоавий ўйин, ирода ва галабага интилишни намойиш этган қаршилиқ чармфарган "Пахтакор"га тўп усталари сўнгги дақиқаларда пенальтидан тўп киритиб, за-

рур натижага эришди. "Насаф"га кумуш медалларни тортиқ этган голга Жаҳонгир Жиянмуродов муаллифлик қилди.

Шу тариқа Қаршининг "Насаф" жамоасига жорий йилда яна бир муҳим соврин – Ўзбекистон XX миллий чемпионати олий лигасининг кумуш медал, "Пахтакор"га эса учинчи ўрин насб этди.

Ў.А.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Йилдан-йилга қиёсий очиб бораётган юртимизда қўриқма-қўриқ қўшаётган замонавий биноларнинг улғув қўриқини нафақат ватандошларимиз, балки чет эллик дўстларимизнинг ҳам ҳайрату ҳавасига сабаб бўлмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда урф бўлиб бораётган рангли, керамик гиштардан "либос кийган" уйлар кўпчилигининг дидига мос келмоқда. Шунинг учун, муштараклиқ йилларида қаноти кенг ёйилган тадбиркорлар бошқа маҳсулотлар қатори турли гиштарни ҳам ишлаб чиқара болашади. Виллоятимиздаги кичик корхоналардан бири "Азия керамик строй"да тайёрланаётган гиштар бўлган талаб ортгандан ортиб бораётгани шундан далолат. Агар тадбиркорлар барча ишни қонун доирасида амалга оширсалар ҳам "пичоги мой устида" бўлиши мумкин эди. Аммо, ҳам сўт эмган бандлар бунга қаноат қилмай, пичокда ёғ эмас, сувни ҳам кесмоқчи бўлишди. Аммо, пичокда кесилган сув жойидан жилмайди. Корхона ишлаб чиқараётган қўриқини маҳсулотларининг ўзининг шахсий мулки деб ўйлаган учун тадбиркорлардан бири Қўямиддин Тўшбоев (исмлар ўзгартирилган) ҳам қингир йўллар билан анча-мунча пул тўплади. Аммо, бу пуллар тез орада яна ўз жойини топди.

Қўямиддин бош ҳисобчи Галина Аранова, қўриқлаш бўлими бошлиғи Дилмурод Эргашев билан мўймул пул топиш режасини ишлаб чиқ-

ди. Бу унча қийин кечмади. Бири раҳбар, бири ҳисобчи, яна биттаси мулк ишониб топширилган қўриқчи-назоратчи бўлса! Шундай қилиб, енг "ичида олди-соти" ишлари қизигандан қизиб кетди. Харидор Р. Абдурахмонов анча

Ахир, ойлаб, йиллаб иш ҳақини ололмаганлар кимгадир арз қилиши керак! Бу ҳақда корхона бош мутахассиси Шавкат Рустамов шундай дейди:

– Гишт заводи ишчиларининг ойлик маошлари 2010

тадбирлар тўғрисидаги фармон ва қарорлардан беҳабар қўриқчи. Бўлмаса, ўз хатти-ҳаракатлари билан бу ҳуқуқат қарорларини, тадбиркорлик қонун-қоидаларини қўпол равишда бузмаган бўлар эди. "Бир ёлгоннинг ортидан қирқ

варь ҳолатига кўра иш ҳақи бўйича ишчиларга ҳисобланган иш ҳақидан 39 миллион 679 минг сўм қарзи мавжуд бўлиб, бу мuddати ўтган иш ҳақи ҳисобланади".

Тўғри, корхонанинг ўзидан қардорлар ҳам кам эмас экан. Оз эмас, кўп эмас 10 миллион 374 минг дебиторлик қарзларнинг 9 миллион 400 минг сўми мuddати ўтганлиги ҳам корхонада қардорлар билан ишларнинг сусти-лигини кўрсатади.

Қисқаси, завод раҳбари сифатида биринчи навбатда жамоасини эмас, кўпроқ ўз манфаатларини қўлаб, мўймул даромад топишни ўйлаган Қўямиддин Тўшбоевнинг еганлари ҳам бўлмади. Уни қандай бўлса, шундай жойига қўйишга мажбур бўлди. Суд ҳукмига кўра, айбдорга энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари тийиндориди – 19 миллион 894 минг сўм жарима жазоси тайинланди. Бундан ташқари, маълум мuddатга юридик корхоналар очиб ва уларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Бош ҳисобчи Галина Аранова ва қўриқлаш бўлими бошлиғи Дилмурод Эргашевга нисбатан ҳам деярли шундай жазо қўланди. Яъни, улар топган пул ҳам "қандай осон келган бўлса, шундай кетди".

Қўпчилигининг нонини туя қилиш, давлат қонунчилигига нописандилик билан қарашини оқибати нима бўлишини энди улар яхши тушуниб олишган бўлса ажаб эмас!

Саида ИКРОМОВА.

ҚАНДАЙ КЕЛСА, ШУНДАЙ КЕТГАН ПУЛ

пулдор мижозлардан экан. Бир йўла 10000 донга гиштини 50000000 сўмга савдоллашиб олиб кетди. Тўшган пул ҳеч қандай касса-қирим ҳужжатларисиз чўнтакка урилди.

Бу касалнинг иситмаси чиққан, текширувлар натижасида аниқланган ҳолатларнинг биргина қўриқини. Давлат солиқ инспекцияси ҳодимлари олиб борган назорат-текширув чоғида корхона фаолиятидаги қўриқини қонун-заҳриқлар юзига қалқиб чиққан, ҳар қимнинг ўз қилмишига икор бўлишдан бошқа чораси қолмади. Тўғри, бу ишлар маълум мuddат ҳеч қандай тўсиқларсиз, осонгина амалга ошириб келинган. Аммо, кўпчилигининг ҳақида хиёнат қилишнинг оқибати ишчиларнинг сабр қосаи тўлган, ўз бўйини қўрсатди.

Йилнинг июль ойларига қадар тўлиқ берилар эди. Шундан кейин, корхонада пул бўлмаганлиги, ишлаб чиқарилган гиштарнинг яроқсизлиги туғайли сотилмай қолганлиги оқибатида ишчиларга ойлик берилмади, ҳатто, кўпчилик масъумий ишчилар ҳам пулларини ололмай, кетиб қолишди.

Афтидан, корхона раҳбари Қўямиддин Тўшбоев давлатимиз раҳбарининг "Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларни амалга оширишда жамият ва ташилот раҳбарларининг жа-вобарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақини ўз вақтида амалга оширилиши учун корхона ва ташилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасида қўшимча чора-

ёлгон туғилади" деганлари-дек, текширувлар шуни қўрсатдики, корхона тайёр маҳсулотлар омондоронасиди турли маркази гиштарларнинг микдори ҳўжжатларда қўрсатилганидан 320 минг 80 донга кам. Камомад 49 миллион 988 минг 344 сўмини ташкил этган. Тайёр гишт цехидаги камомад эса 357 минг 595 донга, умумий камомад 53 миллион 568 минг 160 сўмга етган. Демак, бу рақамлар ҳам заводдаги ишлар қай даражада олиб борилаётганини қўрсатиб турибди.

Кейинги воқеалар эса, ҳаётда ҳар қандай ишнинг охири, нихоси борлигини қўрсатди. Давлат солиқ инспекцияси текширувлари натижасида тузилган далолатномада, жўмладан, шундай сатрлар бор: "Маъзур ҳўжалиқнинг 2011 йил 1-ян-

варь ҳолатига кўра иш ҳақи бўйича ишчиларга ҳисобланган иш ҳақидан 39 миллион 679 минг сўм қарзи мавжуд бўлиб, бу мuddати ўтган иш ҳақи ҳисобланади".

Тўғри, корхонанинг ўзидан қардорлар ҳам кам эмас экан. Оз эмас, кўп эмас 10 миллион 374 минг дебиторлик қарзларнинг 9 миллион 400 минг сўми мuddати ўтганлиги ҳам корхонада қардорлар билан ишларнинг сусти-лигини кўрсатади.

Қисқаси, завод раҳбари сифатида биринчи навбатда жамоасини эмас, кўпроқ ўз манфаатларини қўлаб, мўймул даромад топишни ўйлаган Қўямиддин Тўшбоевнинг еганлари ҳам бўлмади. Уни қандай бўлса, шундай жойига қўйишга мажбур бўлди. Суд ҳукмига кўра, айбдорга энг кам ойлик иш ҳақининг 400 баравари тийиндориди – 19 миллион 894 минг сўм жарима жазоси тайинланди. Бундан ташқари, маълум мuddатга юридик корхоналар очиб ва уларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Бош ҳисобчи Галина Аранова ва қўриқлаш бўлими бошлиғи Дилмурод Эргашевга нисбатан ҳам деярли шундай жазо қўланди. Яъни, улар топган пул ҳам "қандай осон келган бўлса, шундай кетди".

Қўпчилигининг нонини туя қилиш, давлат қонунчилигига нописандилик билан қарашини оқибати нима бўлишини энди улар яхши тушуниб олишган бўлса ажаб эмас!

Саида ИКРОМОВА.

БЕКАЖОН

ЎРАМА ТАОМ

Масаллиқлар: 400 г мол гўшти, 75 г нон, 1 донга сабзи, пиёзнинг 1/4 қисми, 1/2 стакан сут ёки сув, 2 донга туҳум, таъбага кўра туз.

ТАЙЁРЛАНИШИ:

Гўштни қиймалагичдан ўтказиб, сутга ёки сувга бўктирилган нон билан яхшилаб аралаштирилади. Туҳум сувга солиб қайнатилади. Пиёз ва сабзини тўғраб, алоҳида-алоҳида қовуриб олинади. Қиймани намланган сочқикга ўраб, 1,5 см қалинликдаги кулча ясалади. Нон ўртасига кесилган томонини пастта қилиб яримта туҳум қўйилади ва устидан тўғралган пиёз солинади. Кейин туҳум атрофига юпка қилиб сабзи солинади ва сочқик ёрдамида ўралган ўрама атрофи чимдиб, маҳкамлаб чиқилади.

Кейин эҳтиёткорлик билан ўрамининг чоқли томонини пастта қилиб, ёлганган товага солиб, устига туҳум сариғи суртилади. Пишраётганда ёрилиб, ичидаги шарбати чиқиб кетмаслиги учун бир неча жойидан тешиб чиқилади. Сўнг товага озгина қайноқ сув қуйиб, қиздирилган газ ўтхонасига 30-40 дақиқага қўйилади. Ўрама пишраётганда унинг устига вақти билан сув пуркаб турилади. Тайёр бўлган ўрама устига укроп ёки кўк пиёз сепиш керак.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САБДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Ирода НОРБОВЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУДЖАЕВ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.